O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOBXONLIK PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2005-yil ● 21-may ● Shanba ● 63 (27.398) ● uzbovozi@sarkor.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

«Баркамол авлод — 2005»



ЧИРЧИҚ ЧЕМПИОНЛАРГА МУНТАЗИР

ЯНА УЧ КУНДАН СЎНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ «БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛАДИ

Мусобақанинг ўтиши жараёнлари борасида Тошкент вилоят ҳокимлиги Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи, ташкилий қўмита аъзоси Холтўра ШАФОАТОВ қуйидагиларни гапириб берди:

— «Баркамол авлод» ўйинлари ўзига хос нуфуз ва аҳамиятга эга. Мусобақа дастлаб 2001 йилда Жиззахда, 2003 йилда эса Андижонда бўлиб ўтганди. Ҳар иккала турнирда ҳам вилоятимизнинг ёш спортчилари муваффақиятли қатнашиб, мухлислар олқишига сазовор бўлишди. Масалан, Жиззахдаги баҳсларда вилоят терма жамоаси 11 та олтин, 21 та кумуш ва 26 та бронза медалларини қўлга киритган бўлсалар, Андижондаги ўйинларда умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Мана шундай ютуқлар туфайли «Баркамол авлод — 2005» мусобақасига мезбонлик қилишдек масъулиятли вазифа бизнинг вилоятимизга ишониб топширилди.

Бунинг шарафи билан бирга масъулияти ҳам бор. Шу нуқтаи назардан биз мазкур тадбирга катта тайёргарлик кўрдик. Чунончи, Чирчиқ шаҳрида қад ростлаган улкан спорт маркази Олимпия захиралари коллежини олинг: 13 минг 200 томошабинга мўлжалланган стадион, очиқ ва ёпиқ сув ҳавзалари, қолаверса, спортнинг 25 тури билан шуғулланиш имконини берувчи ёпиқ манеждан иборат иншоотда жаҳон андозалари даражасида ҳамма қулайликлар яратилган.

Шунингдек, мусобақалар бир қатор олий ва ўрта махсус ўқув даргоҳларида, шаҳар ва туманлардаги марказий ўйингоҳларда ҳам бўлиб ўтади.

«Баркамол авлод — 2005» спорт ўйинларининг бутун республикамиз бўйлаб ўтган ҳудудий саралаш баҳсларида 645 мингдан зиёд ўқувчилар куч синашган бўлиб, улардан энг муносиблари — 2170 нафари ҳал қилувчи финал босқичида иштирок этишади. Уларга 280 нафар мураббий ва 224 нафар ҳакамлар бириктирилган.

— Ғолиблар қандай аниқланади?

— Спортнинг 13 тури бўйича баҳслашадиган ғолиблар ва совриндорлар номи тартиб-қоидалар асосида аниқланади. Уларни мукофотлаш учун олтин, кумуш ва бронза медаллари шодаси, фахрий ёрлиқлар, кубоклар, турли даражадаги дипломлар, бейжиклар, сертификатлар ва бошқа эсдалик совғалари тайёрлаб қўйилди. Энг асосийси — Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан 3 та «Дамас» русумли енгил автомашина, учта компьютер ҳамда саккизта рангли телевизорлар ажратилган бўлиб, улар ҳам ўз эгаларини кутмоқда.

Мусобақанинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимларини ҳам юқори савияда ўтказиш мақсадида 100 нафар бадиий-ижодий гуруҳ аъзолари Олимпия захиралари коллежи стадионида тайёргарлик кўришяпти. Турнир бошланиши арафасида «Баркамол авлод» кўргазмасини ташкил қилиш ва унда ёш рассомларнинг ижод намуналарини томошабинлар эътиборига ҳавола этиш ҳам кўзда тутилган.

Суҳбатдош: Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: муқобили жиҳатдан Марказий Осиёда ягона Чирчиқ Олимпия захиралари спорт коллежи ёпиқ манежининг ташқи кўриниши; қурувчи Шавкат Дўстматов иш устида; 12-трестга қарашли 50-қурилиш бошқармаси монтажчилари Миразиз Юсупов, Акбар Бобоевлар; манежнинг ички кўриниши; янги қад ростлаган машъала минораси; мусобақанинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари ўтказиладиган марказий стадион.





Еркебой БОТИРОВ олган суратлар

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРГА БАҲОСИ

Халқаро валюта жамғармаси 2005 йилнинг 18 майида Вашингтон шаҳрида Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ва дипломатик миссиялар вакиллари учун видеоконференция ўтказди.

Тўғридан-тўғри эфир орқали видеоалоқа каналларидан фойдаланган ҳолда ХВЖ Яқин Шарқ ва Марказий Осиё департаменти директори Ж.Беренгаут ва ХВЖнинг Ўзбекистон бўйича миссияси раҳбари Ж.Вейкман-Линн конференция иштирокчиларини ХВЖ Директорлар кенгашининг 2005 йил 16 майда Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистоннинг 2004 йилги иқтисодий ислоҳотларига берган баҳоси тўғрисидаги маърузаси муҳокамаси якунлари билан таништирди.

Жамғарма фикрига кўра, 2004 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг юксак, яъни 7,7 фоиз ўсишига эришилди, мамлакатимиз ташқи савдо баланси мустаҳкамланди, солиқ-бюджет соҳасида ўсиш таъминланди. Валютани эркин айирбошлаш, хусусийлаштириш, айниқса, қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича кўрилган чоралар иқтисодий ўсиш асосини ташкил этади. Жамғарма банк секторини ислоҳ қилиш дастурини маъқуллайди.

ХВЖ вакиллари фикрига кўра, 2004 йилда мамлакатимиз иқтисодиётидаги асосий ижобий йўналишлар қуйидагилардан иборат:

— жорий операциялар бўйича валютани эркин айирбошлаш тизимининг жорий этилиши ва унинг самарали амал қилиши ташқи савдо айланмаси ошишига ва умуман иқтисодиётнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди;

— пул-кредит тизими мустаҳкамланди;

— ширкатларнинг хусусий фермер хўжаликларига айлантирилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўсишига самарали ижобий таъсир кўрсатди;

— бюджет интизоми мустаҳкамланди, ягона хазина тизими жорий этилди ва бюджетнинг ўрта муддатли тезкор режалаштириш дастури ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятининг тўлиқ намоён бўлиши, тўғридан-тўғри инвестицияларни кўпайтириш, аҳоли турмуш даражасини сезиларли даражада ошириш учун ислоҳотларни янада чуқурлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Жамғарма Ўзбекистон ҳукуматининг пул-кредит ва солиқ-бюджет соҳаларидаги чуқур ўйланган сиёсатини қўллаб-қувватлаган ҳолда, пул қадрсизланиши ва бюджет харажатлари устидан қатъий назоратни давом эттириш зарурлигини таъкидлади.

Жамғарма вакиллари конференция иштирокчиларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтарар экан, хусусан мамлакатнинг Солиқ кодексини такомиллаштиришга оид ишларни тўлиқ қўллаб-қувватлади ҳамда Жамғарма техник кўмак кўрсатишга тайёр эканини маълум қилди.

ХВЖ қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларни, хусусан, Ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички нархларини жаҳон нархлари билан тенглаштириш ҳамда ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш борасидаги қарорларини ижобий баҳолайди.

Жамғарма янги Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг жорий этилишини қўллаб-қувватлайди ҳамда фуқароларнинг шахсий жамғарма ҳисоб рақамлари ҳисобининг сифатли юритилишини таъминлаш учун «Халқ банки» тизимини институционал жиҳатдан мустаҳкамлашни тавсия этади.

Жамғарма фикрича, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш, айни чоғда хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай рағбатлантирувчи шарт-шароитлар яратиш ғоят муҳим.

Жамғарма вакиллари минтақавий савдони ривожлантириш масалаларига тўхталар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этишга оид ташаббусини «ниҳоятда тўғри ташаббус» дея юқори баҳолади, унинг амалга оширилиши минтақа мамлакатлари саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этади.

Жамғарма фикрига кўра, Ўзбекистон юқори иқтисодий ўсиш салоҳиятига эга. ХВЖ прогнозига биноан, иқтисодиётда амалга оширилаётган ислоҳотлар изчил чуқурлаштириб борилгани сайин келгуси йилларда иқтисодий ўсишда янада юқорироқ суръатларга эришилади.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ АХБОРОТИ

Аввал хабар қилинганидек, 2005 йил 19 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати шуни маълум қиладики, ушбу суҳбат чоғида Андижон шаҳрида яқинда рўй берган воқеалар юзасидан мустақил халқаро текшириш ўтказиш ҳақида ҳеч қандай таклиф муҳокама қилингани йўқ. Буларнинг барчаси Россия мустақил НТВ телеканалининг навбатдаги уйдирмасидан бошқа нарса эмас.

Муносабат

«САФСАТАДАН БОШҚА НАРСА ЭМАС»

Бугун шундай замонки, ахборот воситалари шу даражада ривожланганки, ер шарининг у ёки бу нуқтасида содир бўлган воқеа-ҳодиса бир зумда бутун дунёга ёйилади. Андижон воқеаларидан ҳам жаҳон аҳли ўша заҳотиёқ огоҳ бўлди. Оммавий ахборот воситалари бу воқеалар атрофидаги маълумотларни изчил ёритиб бормоқда. Афсуски, бир тўда жиноятчилар, диний экстремистлар томонидан содир этилган бу ваҳшийликлар, фожиалар тўғрисида айрим хорижлик ҳамкасбларимиз масъулиятсизлик, инсофсизлик билан асоссиз, ёлғон маълумотлар, ваҳимали гапларни тарқатишди.

18 май куни бир гуруҳ чет эллик журналистлар ва дипломатлар ҳукуматимиз ажратган махсус самолётда Андижонга бориб, воқеа содир бўлган жойларни ўз кўзлари билан кўришди, шаҳардаги бугунги ҳаёт билан танишиб қайтишди. Биз уларнинг айримларидан таассуротларини сўрадик.

Юрий ЧЕРНОГАЕВ, «Deutsche welle» («Немис тўлқини») радиостанциясининг Марказий Осиё бўйича мухбири:

— Асосан дипломатлар ва журналистлардан иборат бўлган делегация таркибида мен ҳам Андижонда бўлдим. Шаҳарни айланиб, кузатиб, шунга гувоҳ бўлдикки, Андижонда тинчлик, осойишталик ҳукмрон, шаҳар ҳаёти изга тушган, одамлар ўз ишлари билан машғул.

Ўша машъум воқеалар пайтида қуролланган кимсалар ўзларидан хунук манзарали из қолдиришган. Масалан, вилоят ҳокимияти биносида жуда кўплаб нарсалар ёқиб юборилган, синдириб ташланган. Мен у ерда компьютер ва бошқа қимматбаҳо воситалар, жиҳозлардан ташқари халқ усталари томонидан яратилган гўзал, нафис буюмларнинг, гулдонларнинг синиқларини кўрдим. Менимча, шунинг ўзи уларнинг ким эканлигидан далолат беради.

Энди айрим хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатаётган нохолис ахборотларга келсак, уларда асос йўқ. Баъзи ҳамкасбларимиз Андижон воқеаларидан фойдаланиб, учқунни алангага айлантириб юборишмоқчи бўлишди. Бундан уларнинг қандайдир манфаати йўқ эмас, албатта.

Аҳмад ЗУБАЙДИ, «Ас-салам» араб ахборот маркази раҳбари:

— Мен бу воқеаларни содир этганларни бутун дунёни касаллантираётган микробларга ўхшатаман. Микроб қаерга тушишини ҳеч кимдан сўраб ўтирмайди. Ҳамма ундан безор. Фикримча, касаллик билан курашгандан кўра, унинг олдини олган маъқулроқ. Чунки касалликдан барибир асорат қолади.

Президент Ислом Каримов иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасидаги брифингдан ҳар ким бу мамлакат, унинг олиб бораётган сиёсати ҳақида холис хулоса чиқариб олиши мумкин. Мен ўзим ҳам тегишли хулоса чиқардим. Ўзбекистоннинг ўз танлаган тараққиёт йўли бор.

Биз Андижон шаҳрида бўлиб, воқеалар рўй берган жойларни бориб кўрдик. Қўпорувчилар шаҳардаги энг катта театр биносига ўт қўйганлари мени қаттиқ ўйга толдирди. Демак, улар нафақат мамлакатнинг сиёсий тузумига, балки, ижтимоий-маданий ривожланишига ҳам тажовуз қилди. Уларни ким деб аташ, қайси ақл билан бу ишларни қилаётганини тушуниш қийин. Агар қўйиб берилса, улар эртага мактабларга, бошқа жойларга ҳам ўт қўйишади.

Ҳамма жойда ҳам сиёсий кураш, баҳс, мунозара бўлади. Бироқ у қурол-аслаҳа воситасида эмас, ғоялар кураши бўлиши ва мамлакат тараққиётига хизмат қилиши лозим.

Валерий БИРЮКОВ, «Труд» (Россия) газетасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

— Андижонни жуда яхши биламан. У ерда кўп бўлганман. У ерда дўстларим, танишларим бор. Ўша кунлари ҳам улар билан боғланиб, Андижондаги ҳақиқий ҳолат ҳақида маълумот олиб турдим.

Мен ўз кузатишларимга асосланиб, шуни айтишим мумкинки, айрим хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатаётган маълумотлар сафсатадан бошқа нарса эмас. Улар келтирилаётган рақамларни ҳаводан олишмоқда. Масалан, Андижонда беш юзлаб, минглаб одамлар ўлди деб ёзишяпти. Бундай дейишга уларда қандай асос бор? Нима, улар касалхонага боришибдими ёки қабристонга, «морг»га боришганми? Йўқ, албатта. Тўғри, одамлар ўлди. Лекин юзлаб, минглаб эмас.

Энди тасаввур қилиб кўринг. Агар Худо кўрсатмасин Андижонда мингдан ортиқ одам ҳалок бўлганда шаҳар дарров тинчиб, осойишта бўлиб қолмасди. Вазият умуман бошқача тус олган бўларди.

Андижон воқеаларидан, Андижон фожиаларидан фойдаланиб ном қозонмоқчи, халқни, халқларни чалғитмоқчи бўлганларнинг хатти-ҳаракатларини оқлаб бўлмайди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ЎҚУВЧИЛАР САЛОМАТЛИГИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари саломатлигини мустаҳкамлаш ишининг аҳволи» мавзуида семинар бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, уларнинг ҳудудий бошқармалари, умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Мазкур қўмита раиси Азамат Зиё бошқарган анжуманда ёшларни баркамол авлод, фозил инсон этиб тарбиялаш, айниқса, уларнинг саломатлигини янада мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик кенг кўламдаги ислоҳотлар изчил амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Бу борадаги барча ишларни кафолатлаш ва ҳуқуқий асосини таъминлаш мақсадида қатор қонунлар, давлат дастурлари қабул қилинган. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида» ва «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунлар ҳамда 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури шулар жумласидандир. Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтирди.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 23,5 фоизини умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ташкил этади ва улар ўн мингга яқин мактабда билим олмоқда.

Ўқувчиларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни турли юқумли касалликларга чалинишининг олдини олиш, профилактика ишларини йўлга қўйиш республика тиббиёт ходимларининг муҳим вазифаларидандир. Шу мақсадда номи зикр этилган вазирликлар тизимида муайян ишлар олиб бориляпти.

Мактаб ўқувчиларининг саломатлиги муҳофазаси ва касалликларга чалинишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тегишли меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ташкил этилаётгани, уларни мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

Шу билан бирга ушбу соҳадаги мавжуд камчилик ва нуқсонларга эътибор қаратилди. Хусусан, мактабларни тиббиёт ходимлари ҳамда асбоб-ускуналари, дори-дармон билан таъминлаш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, ўқувчиларни эмлаш борасидаги ишлар барча жойда ҳам талаблар даражасида эмаслиги қайд этилди.

Турсунбой БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON — TURKIYA BANKI
«O'T-BANK YoAJ»
O'zbekistondagi mahalliy va xalqaro bankingiz
Tel: 173-83-24, 25, 173-72-48. Faks: 120-63-62,
WWW.utbk.com E-mail: utbank@utbk.com
Хизматлар лицензияланган

Муносабат

ЖИНОЯТНИ ОҚЛАБ БЎЛМАЙДИ!

Ўзбекистон Президентининг республика бош прокуратурасида маҳаллий ва хорижий журналистлар учун ўтказилган брифингдаги асосли ва ҳаяжонли чиқиши ўзларини оқ либосга буркаб, демократия жангчилари қилиб кўрсатмоқчи бўлган жангариларни, шунингдек, диний ақидапарастларнинг жиноий ва пухта режалаштирилган қуролли ҳужумини қатор хорижий ОАВ оммавий равишда нохолис ёритгани ва уларни шунчаки ёлғон ахборот тарқатиш йўли билан оқлашга бўлган уринишларини фош этди. Давлатимиз раҳбари бундай ОАВ қаторида Россиянинг айрим телеканалларини ҳам тилга олди.

Шуниси диққатга сазоворки, россиялик сиёсатчилар, экспертлар ва шарҳловчиларнинг аксарияти ўзларининг айрим ватандошлари бўлмиш чаққон журналистлардан фарқли ўлароқ, юз бераётган воқеаларнинг моҳиятини теранроқ англаб етдилар ҳамда 13 май куни содир этилган хуружнинг сабаб ва мақсадларига доир Ўзбекистон ҳукуматининг расмий нуқтаи назарига ҳамфикр бўлмоқдалар. Россия Давлат думасининг МДҲ ишлари ҳамда ватандошлар билан алоқалар қўмитаси раиси Андрей Кокошиннинг фикрига эътибор беринг: «Андижон воқеалари ортида исломий ақидапараст кучларнинг иштироки янада яққолроқ кўрина бошлади. Хаттиҳаракатларида зўравонлик белгилари аниқ-равшан кўриниб турган исёнчиларга нисбатан Ўзбекистон ҳукумати томонидан куч ишлатилиши бутун минтақа ва умуман халқаро ҳамжамият хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан олганда асосли ҳолдир».

Россия сиёсат конъюнктураси Марказининг таҳлилий бошқармаси раҳбари Анатолий Беляевнинг фикрича, Андижон воқеалари, энг аввало, жиноятчилик билан боғлиқ бўлган ва турли диний радикал гуруҳларга мансуб кучлар томонидан уюштирилган. «Бироқ, тартибсизликлар тўлқинида ушбу кучларнинг қандайдир эътиборли сиёсий ҳаракат бўлиб шаклланишга қодирлиги ҳақида сўз юритиш хийла мушкул. Каримовнинг ижтимоий беқарорликни келтириб чиқарадиган уринишга нисбатан билдирган эътирози мутлақо оқланган ҳолдир».

Россия матбуоти шарҳини асли келиб чиқиши Фарғона водийсидан бўлган ҳамюртларимиз — икки нафар таниқли россияликнинг фикрлари билан якунлашни истар эдик.

«Ислом Каримовнинг кўпчилик ҳисоблайдиган қаттиққўл бошқарув услуби энг муаммоли ва портлаш хавфи мавжуд бўлган минтақада тинчликни сақлаб қолиш имконини берди...

Албатта, Каримовнинг командасида хатолар бор, лекин унинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш борасида амалга ошираётган ишларига тўғри баҳо бермаслик мумкин эмас», - деб ёзади «Труд» газетасида Москва мэрининг маслаҳатчиси Нурали Латипов.

«Известия» газетаси саҳифаларида Россия халқ артисти Александр Абдуловнинг қуйидаги сўзларини ўқиймиз: «Ўзбекистонда содир бўлаётган ҳодисалар ниҳоятда даҳшатлидир ва ишончим комилки, рўй берган воқеалар турткиси мамлакат ичидан чиққан эмас. Вазият уюштирилган... Уларга Қирғизистон камлик қилади. Бироқ, Ўзбекистонда бундай аҳвол бошқа такрорланмайди, чунки у ерда мустаҳкам ҳокимият мавжуддир».

Олег ШАТУНОВСКИЙ
«Жаҳон» АА.

АСКАРИ МАРД ЮРТ МУСТАҲКАМДИР

Ғаламис кимсаларнинг Андижонда содир этган хунрезликлари аскарларимиз, ўз бурчини ўтаётганда душман ўқига қалқон бўлиб яраланган ҳарбийларимизнинг ёдидан ҳеч қачон кўтарилмаса керак. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Марказий ҳарбий госпиталида экстремистларга қарши курашда ярадор бўлган бир неча ҳарбийлар даволанмоқда. Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари, ЎзХДП фаолларидан бир гуруҳи госпиталда бўлишди. Улар ярадор бўлган аскар ва офицерлар ҳолидан хабар олиб, кўрсатган жасорати, ўз бурчига садоқати учун миннатдорчилик билдиришди.

— Ҳозир бу аскарларга озгина эътибор, жиндек далда ҳам жуда муҳим, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов. — Чунки улар халқимиз, тинч ҳаётимизга қарши чиққан душман билан юзма-юз олишган, қуролдошларининг ҳалок бўлганини ўз кўзлари билан кўрган.

— Экстремистларнинг жирканч қиёфалари ҳеч кўз олдимдан кетмайди, — дейди лейтенант Умиджон Мамасидиқов. — Уларнинг ниятлари фақат қотиллик ва бузғунчилик эканлиги юзларидан, кўзларидан билиниб турарди... Бу кимсалар қилмишларига яраша жазосини олади.

— «Акромийлар» бўладими ёки бошқасими, барибир ёвузлиги, тахдиди билан ҳеч қачон бизни қўрқитолмайди. Аксинча, уларга ғазабим янада ошди. Улар отган ўқ мени ярадор қилган бўлса, яқин бир дўстимни ҳаётдан олиб кетди, — деб ўкинч билан гапирди ўзини Эркин Ҳасанов, деб таништирган сержант.

— Сизлар депутатлар — халқ вакилларисиз, — деб қолди кичик сержант Анварбек Қосимов. — Юртдошларимизга айтинглар, бундай кимсаларнинг нияти ҳеч қачон яхши бўлмаган.

— Ҳа, босқинчиларнинг кўзларида манқуртлик, ваҳшийлик аломатлари бор эди, — деб суҳбатимизга қўшилди лейтенант Отабек Газбаев. — Улар ўз юртдошларига қўл кўтарди, ўқ узди. Агар ўшанда «от» деб буйруқ берилса, ўз ота-онасига қараб ўқ узишдан ҳам тоймасди бу манфур кимсалар.

— Уларнинг иродаси букилмаганлиги, тушкунликка тушмаганликларини кўриб жуда мамнун бўлдим, — дейди депутат Мажитхон Усмонов. — Биз ана шундай аскарларимиз борлигидан фахрланамиз.

Депутатлардан Муҳаббатхон Абдуллаева, Латиф Ғуломов, Улуғбек Вафоев, Гулистон Аннақиличева, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Собиржон Усмонов ва бошқалар даволанаётганларга кўрсатилаётган эътибор, яратилган шароит юксак даражада эканлигини таъкидлашди, уларнинг барчаси тезроқ шифо топиб, ўз сафдошлари қаторига қайтишига тилак билдирдилар.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ

«ҚУШНИНГ ҲАМ УЯСИ БУЗИЛМАСИН ДЕЙМИЗ...

АНДИЖОН ШАҲРИДАГИ МАШЪУМ ВОҚЕАЛАР ЧУҚУР ЎЙЛАНТИРИБ ҚЎЯДИ КИШИНИ...»

Халқимиз азалдан дунёда тинчлик ва хотиржамликни ҳамма нарсадан устун билган. Қарияларимиз дуога қўл очганларида ҳам энг аввало Яратгандан «юртда тинчлик-омонлик бўлсин» — дея сўрайдилар...

— Таассуфки, диний ақидапарастлик ниқоби остида уюштирилган ёвузлик юртимизга яна чанг солди, — дейди **Қибрай туманидаги «Дўрмон» ширкат хўжалиги раиси Ниғмат Соатов.** — Бу офат бундан илгари ҳам қалбларимизни бир неча бор яралагани етмаганидай, кўплаб ватандошларимизга такрор кулфат келтирди.

Олдинги хуружларда ҳам бегуноҳ қурбон бўлганларнинг дардларига шерик бўлдик, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари жасоратига тан бердик, жойларда турли тадбиру йиғинлар ўтказдик... Бироқ орадан вақт ўтиб, яна хотиржамликка берилдик. Огоҳликни йўқотдик...

Ўйлаб қоламан, бўлиб ўтган шунча воқеалардан кейин ҳам хотиржам бўлишга ҳақли эдикми?

Шу ўринда ўзимизнинг ҳам айбимизни, лоқайдсизлигимизни тан олиш керак... Улар бу ишга анча олдин ҳозирлик кўрганликлари аён бўлди-ку...

Тавба, аслида «Акромий»лар ким бўптики, ўзларини «мусулмон», «жаннатий» деб даъво қилишса? Қонлар тўкиб, жонлар оласан-у, жаннатий бўласан-ми, эй осий, оми банда? Банда дейишга уяласан, киши... Қушнинг ҳам уяси бузилмасин, деймиз, сен эса одамлар кулбасини буздинг. Тинчлигига, омонлигига раҳна солдинг... Жаннатда бало борми сенга...

Мехрибон Тожиева, Қибрай туманидаги «Ўнқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси:

— Айрим чет эл газеталари ва радио-телевидениеси Андижонда содир этилган хунрезликни оқлашга уриниб, гўё бу воқеалар «ижтимоий-иқтисодий турмуш қийинчиликларидан норозилик акти эди» деб изоҳлашга уринмоқдалар. Менимча, бундайларнинг мақсади бошқа. Ўн тўрт йиллик Истиқлол неъматлари ва ўзгаришларидан қайси виждон билан юз ўгириш мумкин? Тўғри, қаердадир камчилик, муаммо бордир. Бироқ, уларни қон тўкиш ҳисобига ҳал қилиш мумкин деган ақлга сиғмас ҳолатни қандай баҳоласа бўлади?

Ёвузлар «Халқ бизни қўллаб-қувватлайди» деган хомхаёлга боришган. Халқ Ватан учун ким нима қилаётганини кўриб, билиб турибди. Бугунги одамлар кечаги одамлар эмас.

— Ёвуз ният йўлида олдиндан шунча тайёргарлик кўрилган-у наҳот уларнинг бу ҳаракатларини бирор киши сезмаган бўлса?, — деб куйинади **Янгийўл пахта тозалаш акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Валихон Мавлонов.** — Уларни вояга етказган ота-оналари болаларининг оёқ олишларидан бехабармиди? Қариндош-уруғлари-ю маҳаллақўйчи? Улар ўзга сайёрадан тушишмаганди, ораларида ўсишганди..? Ҳайрон қоласан киши: нега одамзот бошига жудолик ва айрилиқ, мусибат тушмагунича ақлини йиғиштириб ололмайди, ён-атрофига ҳушёр қараб, дўстни душмандан ажратолмайди. Қачонгача атрофимизда қабиҳ ният билан юрганларнинг қора қилмишларини фош этишга журъат қилолмаймиз? Хулосам шуки, ҳар бир кишининг дўст-душмани бўлганидек, ҳар бир мамлакатнинг ҳам дўст-душмани борлигидан огоҳ бўлмоқ керак.

Соҳибжон ТЎХТАМУРОДОВ

Иқтисодиёт: далил, таҳлил ва қиёс

ИПАКЧИЛИК: ТАРИХИЙ АНЪАНАЛАР,

ЁХУД ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ЯҚИНДА ТАРМОҚҚА ОИД

Мамлакатимиз пиллачилиги чуқур тарихий илдизлар ва анъаналарга эга. Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ҳукуматимиз томонидан берилаётган катта эътибор билан собиқ иттифоқнинг режали иқтисод шароитида деярли таназзулга юз тутаётган тармоқ қайта қад ростлаб, ривожланиш йўлига ўта бошлади. Замонавий пиллачилик саноати яратишга киришилди.

1998 йилнинг 30 мартида **«ЎЗБЕК ИПАГИ»** уюшмаси ташкил этилди. Шойи матолар хомашёсини сифатли қайта ишлаш ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида тармоққа хорижий сармояларни жалб этишга эътибор кучайди. Бугунги кунда уюшма Япония, Буюк Британия, Жанубий Корея, Хитой, Таиланд, Германия, Италия, Ҳиндистон сингари қатор давлатлар сармоядорлари иштирокида энг мақбул лойиҳаларни амалга ошириш режаларини белгилаб олган. Айни пайтда ҳамкорликнинг келгуси босқичида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва тайёр маҳсулотлар сифатини яхшилаш ҳамда унинг экспорт ҳажмини кўтариш тадбирлари кўзланган.

- **ЎЗБЕКИСТОН аҳоли жон бошига етиштирилаётган пилла ҳисобида жаҳонда биринчи, уни ишлаб чиқариш ҳажми бўйича эса учинчи ўринда туради;**
- **МДҲ давлатларида пилла ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида Ўзбекистон улуши 80 фоиздан ортиқ;**
- **«ЎЗБЕК ИПАГИ» уюшмаси таркибидаги 200 га яқин корхона ва ташкилотларда 29000 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади;**
- **2003 йилнинг охири ва 2004 йил бошларида шойи ип-хомашёси ишлаб чиқарувчи корхоналар технологиялари тўла қайта жиҳозланди;**
- **2005 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 3 баравар оширилиши режалаштирилган;**
- **2010 йилга бориб, тармоқда экспорт ҳажмини 95,6 миллион АҚШ долларигача бўлган миқдорга кўтариш ва шойи газламалар ишлаб чиқаришни йилига 30 миллион квадрат метрга етказиш башорат қилинаяпти.**

Шойи матолар тайёрлаш — бизнинг заминимиз учун асрий анъана. Озуқаси тут барги бўлган пиллачилик ва уни қайта ишлаш орқали ипак маҳсулотлари тайёрлаш технологияси аслида Ўзбекистонга Буюк ипак йўли орқали Хитойдан кириб келган. У дастлаб жуғрофий жойлашувига кўра Хитой сарҳадларига яқин Фарғона водийсида тарқалган, кейин...

Тарихий маълумотлар гуҳоҳлик беришича, шойи маҳсулотлари экспорти айни шу ҳудудда (олдинига Осиё мамлакатлари — Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, кейинроқ Кавказ, Россия ва Европа давлатларига) асосан XIX асрдан бошлаб авж олган. Унга қадар — ҳали XVI асргача бўлган даврлардаёқ, Шарқ шойи газламалари Европанинг барча йирик бозорларида савдо-сотиқда бўлганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Улар ўша кезлардаёқ бу бозорларга кўҳна **Буюк ипак йўли** орқали етиб борган.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач ипакчилик самарадорлиги ва сармоявий имкониятларини ошириш йўлида барча шарт-шароитларга эга бўлган мустаҳкам база яратишга кенг эътибор берилди. Ислоҳот асосан икки йўналишда олиб борилди:

— сифатли пилла, ипак ип хомашёси ва калавалари ишлаб чиқаришнинг барча технологик мажмуаларини модернизация қилиш ҳамда ипакдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

— ипак маҳсулотлари экспорт доирасини кенгайтириш.

Шу мақсадда тармоқ бошқарувини такомиллаштириш чоралари кўрилиб, республикамиз Президентининг Фармони (1998 йил, 30 март) ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори (1998 йил, 3 апрель)га кўра **«Ўзбек ипаги»** уюшмаси ташкил топди. Унинг таркибига илгари Қишлоқ ва сув хўжалиги тасарруфида бўлган «Пилла» уюшмаси, «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ихтиёридаги ипак йигирув ва шойи тўқув корхоналари бирлаштирилди.

Соҳада амалга оширилаётган ишлар, шубҳасиз, ўз самарасини бераяпти. Жумладан, 2001 йилдаёқ 1998 йилга нисбатан ипак-хомашёси, калава ва газлама ишлаб чиқариш ҳажми бирмунча кўпайди: экспортда ипак-хомашёси 7,6, калава — 4,9 баравар кўпайди. 2002-2003 йиллар якунлари ҳам кўнгилдагидек бўлди. Ўтган 2004 йилда уюшма бўйича 16861 тонна пилла етиштирилиб, 13,2 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди...

Уюшма таркибида бугун 19 та пиллани қайта ишлаш корхоналари бор. Бунинг 7 таси ипак йигирув, 6 таси шойи тўқув ва яна 6 таси қўшма корхоналардир. Уларнинг асосий қисми — 6 таси Фарғона водийсида жойлашган бўлиб, республикамиз ипак-хомашёси ипларининг ярмидан кўпини ва ипак калаваларининг 100 фоизини етказиб бермоқдалар.

Уюшманинг ташқи иқтисодий алоқалари доирасини кенгайтириш мақсадида 1998 йилнинг август ойида **«Ипакимпекс»** экспорт-импорт фирмаси ташкил этилди. Унинг асосий йўналиши — республикамиз ипакчилик тармоғида инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш учун хорижий сармоялар ва кредитлар жалб этиш, хомашё таъминоти узлуксизлигини таъминлаш ва мавжуд корхоналарнинг экспортбоп маҳсулотларини реклама қилиш каби муҳим жараёнларга қаратилди.

Айни пайтда уюшма раҳбарияти мамлакатимизда чет элларнинг соҳага оид ваколатхоналари ва дистрибьютерлари тармоғини тузиш саъй-ҳаракатида ҳам бўлдилар. Вьетнам, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон ва Россияда савдо уйлари очишга киришдилар. Уюшмага 2002 йилгача бўлган даврдаёқ тўғридан-тўғри 4,5 миллион АҚШ доллари миқдори ҳажмида хорижий сармоялар жалб этилди. Ҳозир Япония, Буюк Британия, Жанубий Корея, Хитой ва Сингапур давлатлари компаниялари ҳамкорлигида 6 та қўшма корхона ишлаб турибди. Улар орасида энг йириги Намангандаги «Силк Роад» Ўзбекистон — Япония («Марубени Корпорэйшн» компанияси) қўшма корхонаси бўлиб, ипак калавалари ишлаб чиқариш бўйича тармоқда салмоқли ўрин тутади. У иш бошлагандан буён республикамизда пилла чиқитларини қайта ишлаш миқдори кескин ошди. Йиллик лойиҳа қувватига кўра корхонада тайёрланган 140 тонна калаванинг ҳаммаси экспортга мўлжалланган.

УЮШМА КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТИ ҲАЖМИ
(минг АҚШ доллари ҳисобида)



Бироқ бу ишлар, бу саъй-ҳаракатлар натижаси ҳали биз кутган даражага чиқмагани, аниқроғи, чиқолмаётгани юқорида эслатиб ўтилган нуфузли йиғилиш — **Вазирлар Маҳкамаси мажлисида** айтиб ўтилди. Нафақат айтиб ўтилди, балки, уюшма фаолияти ва жойлардаги тармоққа боғлиқ хўжаликлар, идоралар, муассасалар ҳамда ташкилотларда йўл қўйилаётган жиддий камчиликлар кескин танқид қилинди...

— 2004 йилда ипакчилик тармоғи саноат маҳсулотлари ўсиши 104 фоизни, ипак ишлаб чиқариш — 113,7 фоизни, экспорт 16,3 миллион АҚШ долларини (135,6 фоиз) ташкил этди, — дейилди **мажлис**да. — Шу билан бирга Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва «Ўзбек ипаги» уюшмаси томонидан ипакчилик тармоғидаги иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлашга доир зарур чоралар кўрилмаяпти...

РОССИЯ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал йиғини Давлат думасининг МДҲ масалалари ва хориждаги ватандошлар билан алоқалар бўйича қўмитаси раиси Андрей Кокошин раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасида турли йўналишларда, хусусан, қонунчилик соҳасида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, шунингдек, биргаликда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро террорчилик ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашишга оид масалалар муҳокама этилди.

(ЎзА)

Андижонда тинч ва осойишта ҳаёт. Кўчалар, боғ ва хиёбонлар, бозорлар одатдагидек одамлар билан гавжум.

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар

ЎзХДП янгиликлари

ИСЛОҲОТЛАРГА ҲАМОҲАНГ БЎЛСИН

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қабул қилиниши мўлжалланаётган янги Дастури лойиҳаси ҳақида баъзи фикр-мулоҳазалар

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 1999 йилда қабул қилинган Дастурида ўша давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий-сиёсий масалалар ҳар томонлама қамраб олинган, асосий мақсад ва муҳим вазифалар тўғри белгиланган эди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳаётида катта ижобий силжишлар, муҳим воқеалар рўй берди. Хусусан, икки палатали парламентга ўтиш, миллий иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини ошириш, хорижий хусусий инвесторлар маблағларини кенгроқ жалб этиш, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини замонавий янги технологиялар асосида модернизация қилиш каби тамойиллар республикамизни янада ривожлантириш учун катта имкониятларни очиб бермоқда.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда партиямизнинг янги Дастурини қабул қилиш ҳаётий эҳтиёжга айланди. Бўлажак Дастурни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасидан келиб чиқадиган хулосалар билан бойитсак янада самарали бўлади, деб ўйлайман. Навбатдаги қурултойда қабул қилиниши мўлжалланаётган мазкур сиёсий Дастур ҳамма йўналишларни ўзига қамраб олиб, содда тарзда ёзилиши лозим.

Руфат РАЗЗОҚОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор Ўзбекистон ХДП МК ҳузуридаги Экспертлар гуруҳи аъзоси

●●●

Партиямиз Дастурининг 3.2 «Иқтисодиётни эркинлаштириш — жадал иқтисодий ўсишнинг бош шарти» ва 3.4 «Аграр соҳадаги ислоҳотларнинг асосий мақсадлари» бўлимларига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритишни таклиф этаман:

— тадбиркорлар фаолияти назорат органлари томонидан текширилганда аниқланган камчиликлар учун тадбиркорларга нисбатан қўлланиладиган молиявий ва маъмурий жазоларни фақат суд томонидан тайинлаш тизимига ўтиш;

— мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқаришида муҳим аҳамиятга эга бўлган фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни қишлоқ хўжалиги техникаси, минерал ўғитлар ва бошқа моддий ресурслар билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шакллантириш;

— фермерлар учун, келгусида етказиб берадиган маҳсулотини гаровга қўйган ҳолда, имтиёзли ставкали молиявий ресурслардан фойдаланиш механизмларини яратиш;

— қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар учун уларга яқин бўлган жойларда хомашёни қайта ишловчи кичик корхоналар ташкил этиш ва улар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ тўлашда ва банк кредитларидан фойдаланишда имтиёзлар бериш зарур.

Улуғбек ВАФОЕВ,
Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси

БУГУНГИ МУАММОЛАР

МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИДАН СЎНГГИ ЎЙЛАР

— Хўш, бу эътироз асосан нималарда кўринаяпти? Муаммоларнинг объектив ва субъектив сабаблари борми? Тармоққа яна қандай ёрдам керак?

Ушбу саволлар билан **«Ўзбек Ипаги» уюшмаси раиси ўринбосари Абдуҳамид НИШОНОВ**га мурожаат қилдик:

— Аввало шуни айтишим керакки, — сўз бошлади у, — ўтган йили уюшма бўйича 13,2 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, режа 2003 йилга нисбатан 104,4 фоиз бажарилди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш — 106,7 фоиз, табиий ипак — 113,7 фоиз адо этилди. 16,3 АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Бу — топшириққа нисбатан 101,7 ва 2003 йилга нисбатан 135,6 фоизни ташкил этади.

Шунингдек, 2004 йилда 16861 тонна пилла етиштирилиб, шартномага нисбатан 101,5 фоиз, олдинги йилга қиёс қилинганда эса 101,1 фоиз бажарилди.

Лекин Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги танқид холис ва ҳаққоний бўлди. Соҳадаги асосий муаммолардан бири — ипак қуртларини парваришлаш учун етарли **озуқа манбаи**нинг мавжуд эмаслиги. Аниқроғи, эътиборсизлик оқибатида кейинги йилларда қўплаб тут дарахтлари асоссиз қўпориб ташланди. Республикамиз бўйича жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 2000 йил 1 январь ҳолатига нисбатан тут қаторлари 14,1 миллион тупга ва тутзорлар майдони 413 гектарга камайиб кетди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 апрелдаги 118-сонли қарорида кўзда тутилган — махсус ажратилган ер майдонларида тутзорлар ташкил қилиш топшириқлари бажарилмади. 2002-2004 йилларда республикада 8770 гектар тутзорлар ташкил қилиш кўзда тутилган эди. Амалда 2590 гектар ерга тут кўчатлари ўтқазилди, холос. Топшириқни бажариш Бухоро вилоятида — 7,2 фоизни, Қашқадарёда — 15,9, Фарғонада — 16,2, Тошкентда — 19,1, Хоразмда — 20,8, Сурхондарё вилоятида 21,1 фоизгина бажарилди. Тут кўчатлари экиш асосан тут қаторлари яратиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Айни пайтда янги тутзорлар барпо этиш учун махсус ер майдонлари ажратиш, шунингдек, тутзорларни ширкат хўжаликлари балансидан фермер хўжаликлари балансига ўтказиш ҳамда уларнинг ер майдонларидаги тут қаторларини сақлаб қолиш ва ишлов бериш тартибини ишлаб чиқиш чўзилиб кетмоқда.

Яна бир муаммо — тут дарахтлари зараркунандаси — «тут парвонаси»нинг тут баргига жиддий зиён етказаётганлиги. «Тут парвонаси» Сурхондарё, Андижон, Фарғона, Наманган, Сирдарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида мавжуд бўлиб, 2004 йилда шу вилоятлардаги 43,7 миллион туп тут қаторлари ва 7318 гектар тутзорлар жуда катта талофат кўрди. Қолаверса, «Тут парвонаси»га қарши кураш тадбирлари жойларда тўлиқ ўтказилмади. Мутасадди ташкилотлар унга қарши тут дарахтларига камида 3 марта ишлов бериш агротехникасига амал қилишмаяпти.

Соҳадаги энг катта муаммо лардан яна бири — пилла етиштириш бўйича контракция — шартномалари тузиш топшириқлари ижроси таъминланмаётир. Республика бўйича бу борадаги кўрсаткичлар белгиланган ҳажмга нисбатан 2004 йилда 75,5 фоиз ва жорий йилда 71,3 фоизни, шу жумладан, Фарғона вилоятида — 55,9, Наманганда — 59,7, Самарқандда — 68,1, Хоразм вилоятида 69,0 фоизни ташкил этди, холос.

Шу билан бирга пилла етиштирувчи хўжаликлар маҳсулдор маҳаллий ипак қурти уруғлари билан тўлиқ таъминланмаяпти. Натижада, 2004-2005 йилларда ипак қурти уруғларининг муайян қисми хориждан келтирилди...

2005 йил мавсумини муваффақиятли ўтказиш учун Уюшма корхоналари томонидан пилла етиштирувчиларга аванс ҳисобига 4,0 миллиард сўмлик сифатли ипак қурти уруғи тарқатилди ва улар мавсум учун зарур материаллар билан таъминланди. Махсус ҳисоблар орқали маҳсулот сотиш бўйича фьючерс шартномалари ипак қурти уруғи ва технологик дастгоҳлар бугунги талаблар даражасида эмас. Уларни техник қайта жиҳозлаш ўта суст бормоқда. Сабаб, инвестиция етарлича жалб қилинмаган. Натижада, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозорида чинакам рақобатга дош беролмаяпти ва табиийки, уларнинг нархи халқаро бозор нархларидан фарқ қилмоқда.

Ҳозир пиллачилик корхона ларини хорижий инвестициялар иштирокида янги технологиялар билан қайта жиҳозлаш устида иш олиб бораяпмиз. Жанубий Корея Республикаси Эксимбанки кредитлари ҳисобига «Атлас» акциядорлик жамиятининг пиллачилик корхонасида айни шундай ҳаракатларни бошлаб юбордик. «Булоқбоши ипаги» акциядорлик жамиятига янги дастгоҳлар келтирдик. Қолган 5 та пиллачилик корхонасини Хитойнинг Эксимбанки кредитлари ҳисобига қайта жиҳозлаш юзасидан зарур воситаларни экспорт ва импорт қилиш бўйича келишув имзоланди. Жорий йилда «Навоий Силк», Ўзбек-Араб, Ром Стар» Ўзбекистон-Америка қўшма корхоналари ва «Ху алу» (Хитой) (100 фоиз хорижий инвестицияли) корхонасини ташкил қилиш эвазига Улар билан жорий йилда қабул қилиб олинган пилла учун 1 ноябргача тўлиқ ҳисоб-китоб қилишни мўлжаллаб турибмиз. Пилла етиштиришни ҳукумат топшириғи даражасида таъминлаш бўйича томонлар масъулиятини ошириш учун топшириқлар ҳажмида контрактация — шартномалари тузишни тезлаштираяпмиз.

Шунингдек, пилла етиштирувчи хўжаликларни маҳаллий ипак қурти уруғлари билан тўлиқ таъминлаш учун 2005-2007 йиллар давомида Уюшманинг барча уруғчилик корхоналарида ипак қуртининг маҳаллий маҳсулдор зотлари ва дурагай уруғларини кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Ҳозир, Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институтида бу борада илмий изланишлар олиб борилмоқда, лекин тан олиш керак, ҳали бугунги кун талаби даражасида эмас...

Шу ўринда бир мулоҳаза бор: **пилла етиштирувчиларни рағбатлантириш тизимини яратиш, жумладан, пилла қурти парвариши мавсумий тусга эга эканлигини инобатга олиб, пиллакорларни даромад солиғидан ва меҳнат ҳақидан ижтимоий суғуртага мажбурий тўловлардан озод қилиш керак**. Уларга етказиб бериладиган ипак қурти уруғи ҳамда қуруқ пиллалар бўйича қишлоқ хўжалик корхоналарига берилган **қўшимча қиймат солиғи имтиёзларини эса сақлаб қолиш** лозим, деб ўйлаймиз.

— Мажлисда уюшма тизимидаги саноат корхоналари фаолиятида жиддий камчиликлар борлиги айтилди...

— Танқид ўта кескин, аммо холисона бўлди. Айланма маблағларнинг етишмаётганлиги сабабли корхоналар хомашё билан тўлиқ таъминланмаяпти. Пиллачилик корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш 49,9 фоизни, шойи тўқиш корхоналарида эса 40,1 фоизни ташкил этмоқда. Корхоналардаги технологик дастгоҳлар бугунги талаблар даражасида эмас. Уларни техник қайта жиҳозлаш ўта суст бормоқда. Сабаб, инвестиция етарлича жалб қилинмаган. Натижада, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жаҳон бозорида чинакам рақобатга дош беролмаяпти ва табиийки, уларнинг нархи халқаро бозор нархларидан паст. Шунинг учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини ошириш масаласи кўриб чиқилишини истар эдик...

Уюшма раиси ўринбосарининг сўзларидан сўнг бири-биридан муҳим ва долзарб мулоҳазалар туғилади.

Қишлоқ хўжалиги ширкатларини фермер хўжаликларига айлантириш шароитларида экилган тут дарахтлари ва якка қатор экилган тут ниҳолларини вақтида, сифатли парвариш қилиш ишлари, пировардида, ипакчиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш юмушлари ҳануз дахлдор ҳамда мутасадди ташкилотлар эътиборидан четда қолаётган экан, у ҳолда тармоқ ривожи йўлида олдимизга қўйилган мақсадларга эриша оламизми?

Ёки ипак маҳсулотлари таннархига салбий таъсир кўрсатаётган сабаблардан бири — ипак қуртини четдан харид қилишимизга бизни нима мажбур қилаяпти? Ёхуд тут барги зараркунандаларига қарши кураш воситалари ишлаб чиқиш наҳотки, бутун бошли икки илмий даргоҳ — қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази ва ипакчилик илмий тадқиқот институти олимларига шунчалар мушкул бўлса?

Тут дарахтларининг юқори ҳосилли янги навлари — селекциясини яратиш, ривожлантириш ва юқори маҳсулдор ипак қуртининг янги зотлари ҳамда гибридларини жорий этиш кимнинг зиммасида бўлиши керак? Илмий-амалий тадқиқотлар самарадорлиги қандай мезонларга кўра ўлчанади ўзи?

Маҳсулот экспортида — чет элга асосан пилла ва ипак ипни шунчаки етказиб бериш билангина чекланилаётганини қандай тушунса бўлади? Ҳолбуки хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш шиори билан майдонга чиққанимизга ва бунга муайян даражада эришаётганимизга икки-уч йилдан ошди-ку?

Ва ниҳоят, энг аввало, **бевосита пиллакорларни рағбатлантириш масаласи нега жойларда пайсалга солинмоқда?** Айниқса, уюшманинг Самарқанд ва Тошкент вилоятлари бўлимлари **ҳанузгача пилла етиштирувчилар билан ҳисоб-китоб ишларини ҳал этмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин?** Ипак қурти боқиш мавсуми аллақачон бошланиб, қуртлар жанубий туманларда сўнгги, шимолроқда эса дастлабки «уйқу»лардан ҳам уйғониб улгуришмадими? Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг илғор пиллакорлари ҳатто ҳосил теримига тушишди ҳам... Бу каби савол ва мулоҳазалар соҳага мутасадди идораларни ҳам ташвишга солаётгани, табиий. Аммо, муаммолар ечимини кутмоқда.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Молия-кредит тизими

«ТАДБИРКОРБАНК» ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда изчиллик билан жорий этилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёни банк тизимини ҳам кенг қўламда қамраб олди. Акциядорлик-тижорат «Тадбиркорбанк» иқтисодиётни молиялаштириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасиға жалб қилиш, филиаллар тармоғини кўпайтириш ҳамда кенг турдаги замонавий банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Банкнинг иқтисодий кўрсаткичлари йилдан-йилга ўсиб, хизмат турлари кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда 13 та вилоят бошқармаси, саксонга яқин туман ва шаҳар филиаллари ҳамда 130 дан ортиқ мини банклар бўлиб, мижозлар сони эса 50 мингдан ошиб кетди.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг ялпи ички маҳсулот ҳажми унинг иқтисодий салоҳияти, халқ фаровонлиги, турмуш даражасини белгилайди. Бу эса мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари қай даражада ривожланганлигига, аниқроқ айтганда, уларга қандай зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётганига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан «Тадбиркорбанк» кредит маблағларни кўпроқ иқтисодиётнинг реал секторига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафини кенгайтириш ва улар фаолиятини ривожлантиришга, аҳоли учун зарур кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи замонавий технологияларни сотиб олишни кредитлашга йўналтирмоқда. Шу йўл билан ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва нақд пул тушумларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, йил бошидан буён банк томонидан кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз маблағлари ҳисобидан 494 мижозга ҳамда бюджетдан ташқари кредит линиялари ҳисобидан эса 151 та мижозга кредит маблағлари ажратилди. Бугунги кунда эса кредит қўйилмалари миқдори 53,3 миллиард сўмни ташкил этди ва бунинг натижасида қўшимча кичик бизнес субъектлари, тадбиркорлик корхоналари ташкил этилиб, тўрт мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Шунингдек, «Тадбиркорбанк» аҳолининг ишончини қозониш, мижозлар сафини кенгайтириш ҳамда бўш пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш йўлида йиллик фоиз даражаси 30 дан 34 %гача бўлган «Орзу», «Мавсум», «Саховат», «Нуроний», «Бободеҳқон» каби янги омонат турларини жорий этди. Бундан ташқари банк Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 майда рўйхатга олинган Низомга мувофиқ 2005 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини имтиёзли ресурслар ҳисобидан кредитлаш мақсадида барча тижорат банклари ҳамда лизинг компаниялари билан келишувлар имзолади. Ресурслар эса кичик бизнес субъектларига дастлабки сармояни шакллантириш учун кредитлар беришга ва лизинг компанияларига техника ва ускуналар харидига йўналтирилди.



Банк 2002 йилдан буён ширкат ва деҳқон-фермер хўжаликларига ҳамда хизмат кўрсатувчи қишлоқ хўжалик корхоналарига техника ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш учун молиявий ёрдам кўрсатишда кредитлашнинг лизинг усулидан кенг, самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бу борада Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт банки томонидан ажратилаётган имтиёзли ресурслар ҳисобидан Андижон вилоятининг Марҳамат, Қашқадарёнинг Нишон, Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Сурхондарёнинг Шеробод ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманларидаги фермер хўжаликларини молиялаштириш мақсадида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратиш бўйича шартнома имзоланиб, белгиланган лимит тўлиқ ўзлаштирилди.

Кичик бизнес субъектларининг пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида банк томонидан факторинг операцияларини амалга оширишга ҳам катта аҳамият берилмоқда.

Фермер хўжаликлари фаолиятини ривожлантириш, мавсумий маблағ тақчиллигини қоплаш мақсадида Молия вазирлиги ҳузуридаги «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб жамғармаси» кредит линиялари ҳисобидан фермер хўжаликларига жорий йилнинг ўзида «Тадбиркорбанк» барча бўлимлари томонидан 479,8 минг тонна пахта ҳосили етиштириш учун 16544 та фермерга ҳамда 217,4 минг тонна ғалла етиштириш учун контракция шартномалари тузган 9216 та фермер хўжаликларига Молия вазирлиги томонидан ажратилган имтиёзли ресурс ҳисобидан 25532,8 миллион сўм кредит ажратилди.

Шуни ҳам айтиш жоизки, корхоналарнинг вақтинча бўш пул маблағларини жалб этиш ҳисобига банкнинг ресурс базасини кенгайтириш мақсадида янги қимматли қоғоз тури — депозит сертификатлари жорий этилди. Жумладан, 2004 йил 30 ноябрдан бошлаб юридик шахслар учун жами 500,0 миллион сўмлик депозит сертификатлари муомалага чиқарилди.

Шунингдек, ойлик иш ҳақини бериш, савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчаларида ҳисоб-китобнинг қулай усулларини жорий этиш бўйича ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги қарори талабларидан келиб чиқиб, АТ «Тадбиркорбанк»нинг пластик карточкалари чиқарилиб, муомалага киритилди.

Бир сўз билан айтганда, «Тадбиркорбанк» юритаётган кредит сиёсатининг асосий мақсади — молиялаштирилаётган лойиҳалар самарадорлигини таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этиш, импорт ўрнини босувчи халқ истеъмол моллари ҳамда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга эришишдир.

Шуҳрат АББОСОВ,
АТ «Тадбиркорбанк»нинг Кичик бизнесни кредитлаш департаменти директори

ҚИММАТГА ТУШАДИ

6-8 июль кунлари Шотландияда «Катта саккизлик» мамлакатлари саммити бўлиб ўтиши режалаштирилган. Кузатувчи ва ташкилотчиларнинг фикрича унга кетадиган харажатлар 100 миллион фунтни ташкил этади. Бу пул миқдори Британия ҳукумати томонидан режалаштирилганидан кўра 5 баробар ортиқроқдир.

Олинган маълумотларга кўра, пулларнинг 50 миллионга яқини саммит давомида хавфсизликни таъминлашга ва яна 9 миллиони йўл, хизмат кўрсатиш ва яшаш харажатларига сарф қилинади.

КУЗАТУВ ОСТИДА



Бразилия ҳукумати маълумотларига кўра, Амазонка ўрмонлари мисли кўрилмаган суръатларда камайиб кетмоқда.

Мамлакат Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлигининг ҳисоботида кўрсатилишича, бир йилда бу миқдор 26 минг квадрат километрни ташкил этган.

Тропик ўрмонларнинг кесилиши асосан экин майдонларини кенгайтириш муаммоларини ҳал этилишига бориб тақалади. Экинзорларга бўшатиб берилган ерларда Бразилия бюджетига катта даромадлар олиб келадиган соя экилмоқда.

Шунингдек, ҳукумат вакиллари ўрмонлар устидан сунъий йўлдош ёрдамида кузатув ўрнатилгани ва Бразилия тарихида энг йирик табиатни муҳофаза қилиш парки ташкил этилгани ҳақида хабар беришди.

ЎЗ УЙЛАРИГА ҚАЙТМОҚДА

БМТ тинчликпарвар кучлари Шарқий Тиморни тарк этмоқда. Мазкур тадбир халқаро ташкилотнинг бу мамлакатдаги миссияси қисқартирилиши муносабати билан амалга оширилмоқда.

1999 йилда Шарқий Тимор Индонезиядан ажралиб чиқишини эълон қилгандан бери БМТ бу мамлакатга ёрдам кўрсатмоқда.

Ўшанда Шарқий Тиморда ўтказилган референдум фожиали тугаши натижасида 1500 одам ҳалок бўлганди.

Икки йил мобайнида бу ҳудудда БМТ маъмурияти фаолият кўрсатган. Ундан кейин Шарқий Тимор мустақил давлатга айланганди.

Мамлакатда дастлабки пайтда 9 минг БМТ тинчликпарвар кучлари бор эди. Шу кунларда уларнинг охирги 1300 нафари ўз уйларига қайтмоқда.

ФРАНЦИЯГА БОҒЛИҚ

Франция президенти Жак Ширак томонидан мамлакатда бошланган Европа Конституцияси тарғиботини Германия канцлери Герхард Шрёдер ва Польша президенти Александер Квасьневскилар ҳам қўллаб-қувватлашди.

29 май куни Францияда бу масала бўйича референдум ўтказилади. Европанинг икки давлати раҳбарларининг кўмаги французларни конституцияни ёқлаб овоз беришга ундаши мумкин.

Ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, французларнинг аксарияти Европа конституциясига қарши овоз беришмоқчи эканлиги аниқ бўлиб қолди. Уч давлат раҳбари эса бу вазиятни ўзгартиришмоқчи.

Гап шундаки, агар конституция Францияда тасдиқланмаса, биринчидан, бу ҳужжатнинг кучга кирмай қолиши, иккинчидан эса ЕИнинг бошқа аъзо мамлакатларида тасдиқланмаслигига олиб келиши мумкин.

НАТИЖАСИЗ ТУГАДИ

Шимолий ва Жанубий Корея орасида ўтказилган музокаралар Пхеньяннинг ядро дастури масаласида ҳеч қандай натижаларсиз тугади. Жанубий Корея Шимолий Кореяга зарур бўлган 200 тонна ўғит етказиб беришини маълум қилди.

Сеул томонидан Шимолий Корея ядро дастури музокаралар кун тартибига киритилиши талаб қилинганига қарамасдан учрашув давомида бу масала муҳокамага қўйилмади.

Икки томон минтақада тинчлик ўрнатиш учун ҳамкорлик қилишга тайёр эканликлари ва музокараларни июнда давом эттиришларини ҳам айтиб ўтишди.

«RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI»

масъулияти чекланган жамияти кимошди савдоларига чиқарилган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер майдонларига мерос қилиб қолдириш ва умрбод эгалик қилиш ҳуқуқларининг бошланғич баҳолари «Тошкент шаҳар ерларни солиққа тортиш зоналарига ўзгартириш киритиш ва мажмуавий иқтисодий баҳосини қайта кўриб чиқиш бўйича ҳайъат»нинг 2005 йил 12 апрелдаги мажлис баённомасига мувофиқ пасайтирилганлигини маълум қилади.

Навбатдаги кимошди савдолари 2005 йилнинг 21,23,25,27,29 июнь ва 2,5,7,9,12,14,16,19,21,23,26,28,30 июль кунлари ўтказилади.

Кимошди савдоларига якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, қуйидаги ер майдонларига мерос қилиб қолдириш ва умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи қўйилган:

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 512 000 сўмдан 409 600 сўмга туширилган Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,15,16,17,18-сонли ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 409 600 сўм.

Бошланғич баҳоси — 499200 сўмдан 399360 сўмга туширилган Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0 м ва Г-38,0 м кўчаларида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, майдони 390 кв.м бўлган 25-сон ер участкаси.

Бошланғич баҳоси — 399 360 сўм.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 1 153 600 сўмдан 807 520 сўмга туширилган Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатҳи 0,04 га бўлган 4,5,8,9,10,11,12-сонли ер майдонлари.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 807 520 сўм.

Бошланғич баҳоси — 576800 сўмдан 403760 сўмга туширилган Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Қурувчи» мавзесида жойлашган, сатҳи 0,02 га бўлган 13-сон ер майдони.

Бошланғич баҳоси — 403760 сўм.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 428400 сўмдан 342720 сўмга туширилган Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳасида жойлашган уй-жой бинолари орасидаги бўш ётган ва ёнган уйларнинг пойдеворлари эгаллаб турган, ҳар бирининг сатҳи 0,03 гектар бўлган қуйидаги манзилларда жойлашган ер майдонлари:

Спутник-1 мавзеси, 58- ва 61-уйлар орасидаги; Спутник-9 мавзеси, 11- ва 12-уйлар орасидаги: Спутник-9 мавзеси, 7- ва 8-уйлар орасидаги: Спутник-9 мавзеси, 31-уй ёнида; Спутник-9 мавзеси, 47-уй ёнида; Спутник-2 мавзеси, 51-уй.

Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 342 720 сўм.

Бошланғич баҳоси — 257040 сўмдан 205632 сўмга туширилган Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 3-мавзе, 52-уй манзилида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,018 га бўлган 10-сонли ер участкаси.

Бошланғич баҳоси — 205 632 сўм.

Бошланғич баҳоси — 257040 сўмдан 205632 сўмга туширилган Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, 3-мавзе, 60-уй манзилида жойлашган, якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,018 га бўлган 11-сонли ер участкаси.

Бошланғич баҳоси — 205 632 сўм.

Кимошди савдоларига қўйилган ер майдонларига эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.

Кимошди савдолари соат 11.00 да бошланади.

Савдолар ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.

Савдоларда қатнашиш учун объектнинг бошланғич баҳосидан 10% миқдорида закалат пули тўланади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 10-уй, 3-қават, 35- ва 45-хона.

Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75, 144-44-73, 144-44-72.

Хизматлар лицензиялланган.

ОЛТИН КАМАР ТАҚДИРИ ТОШКЕНТДА ҲАЛ БЎЛАДИ

КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» СПОРТ МАЖМУИДА КИКБОКСИНГ БЎЙИЧА ОСИЁ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Бу каби нуфузли мусобақа ва чемпионатлар ўзларида ўтишини хоҳлайдиган мамлакатлар кўп. Бироқ Бутунжаҳон кикбоксинг федерацияси Ўзбекистонни танлади.

«Кикбоксинг — гиёҳвандлик, терроризм ва жиноятчиликка қарши!» шиори остида уюштирилаётган мазкур нуфузли мусобақада ер куррасининг тўрт қитъасидан йигирмага яқин давлат вакиллари рингга чиқмоқда. Уч кун давом этадиган ушбу қитъа баҳсларида тўрт юз нафарга яқин кикбоксинг усталари ўн бир вазн тоифасида ғолиблик учун курашадилар.

— Осиё очиқ чемпионатида қитъамиз спортчилари билан биргаликда Россия, Украина, АҚШ, Греция, Сьерра-Леоне сингари мамлакатлар кикбоксингчиларининг ҳам иштирок этаётганлиги мусобақа нуфузи юқорилигини кўрсатиб турибди, — дейди Ўзбекистон кикбоксинг федерацияси президенти, халқаро тоифадаги спорт устаси, IV ДАН қора белбоғ соҳиби Сардор Тошхўжаев. — Чемпионатга мезбонлик қилишга Покистон, Ливан, Иордания, Қозоғистон сингари бир қатор давлатлар ҳам даъвогарлик қилишганди. Бироқ Бутунжаҳон кикбоксинг федерацияси бу борада Ўзбекистонга катта ишонч билдирди. Бунинг бош сабаби мамлакатимизда спортнинг ушбу тури жадал ривожланаётганлиги айниқса, кикбоксингчиларимизнинг халқаро миқёсда катта ютуқларни қўлга киритаётганлигидир. Осиё ва жаҳон чемпионлари Олмос Юсуфов, Алишер Абдуллаев, Темир Муҳаммаджоновлар билан ҳамюртларимиз ҳақли равишда фахрланишади.

Мусобақа низомига кўра, дастлабки икки кун ҳаваскорлар ўртасида беллашувлар ўтказилади. Унда ҳамюртларимиздан Шавкат Ўроқов, Маматқул Тўхтамишев, Аҳмад Алибеков, Жаҳонгир Кўчмуродов, Бахтиёр Шермуҳамедов, Нуриддин Нуриддинов, Музаффар Қодиров сингари етакчи спортчилари рингга кўтарилишади.

— Ўзбекистонда нафақат кикбоксинг, балки бошқа спорт турларига ҳам катта эътибор қаратилаётганлигини кўриб ҳайратландим, — дейди Осиё кикбоксинг федерацияси президенти Муҳаммад Жасим Маноучурий. — Биз Осиё очиқ чемпионати мезбонлигига Ўзбекистонни танлаб хато қилмаганлигимизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Бу ердаги бир-биридан кўркам ва муҳташам спорт саройларида бемалол жаҳон чемпионатларини ўтказса бўлади.



— Ёшларимизнинг ўз иқтидорларини намойиш этишлари учун юртимизда кенг имкониятлар яратилаётганлиги қувонарлидир, — дейди кикбоксинг фахрийси Шокир Зокиров. — Фарзандларимизнинг ёмон ишларга қўл уришининг олдини олишда спортнинг аҳамияти беқиёслигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ҳаваскорлар ўртасидаги ғолиблар ва совриндорлар номи бугун маълум бўлади. Эртага эса профессионал кикбоксинг бўйича ўз вазн тоифасида ҳамюртимиз, жаҳон чемпиони Темур Муҳаммаджонов (64,5 кг.) олтин камарини ҳимоя қилиш учун рингга чиқади. Спортчимизга қарши эронлик Саид Ҳайдарий жанг олиб боради.

Шунингдек, чемпионат доирасида Бутунжаҳон кикбоксинг федерациясининг навбатдаги бош ассамблеяси бўлиб ўтади. Унда ушбу спорт турини янада ривожлантириш ва ташкилий масалалар кўриб чиқилади.

Эркин ХОЛБОБО

Суратларда: мусобақадан лавҳалар.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

УЕФА КУБОГИ СОҲИБИ

Москванинг ЦСКА жамоаси Россия футбол клублари тарихида биринчи бўлиб УЕФА кубогини қўлга киритди. Валерий Газзаев шогирдлари кубок учун курашнинг ҳал қилувчи учрашувини Лиссабондаги «Жозе Алваладе» стадионида ўтказиб, маҳаллий «Спортинг» жамоаси дарвозасига 3 та тўп йўлладилар. Ҳисоб 3:1. Тўпларни ЦСКА футболчиларидан Алексей Березуцкий, Юрий Жирков ва Вагнер Лав киритди.

ШУМАХЕР БЎШ КЕЛМАЙДИ

«Формула-1» жамоасида ўзининг «Феррари» машинаси билан ажойиб ютуқларга эришган таниқли пойгачи Михаэл Шумахер яна бир мавсум мобайнида мусобақаларда иштирок этадиган бўлиб турибди. Сабаби етти карра жаҳон чемпионига 2007 йили 30 миллион Евро бериш режалаштирилган. Шумахернинг амалдаги шартномаси муддати 2006 йилнинг охиригача.

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «АЛОҚАБАНК»НИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИГА ТЕГИШЛИ МУҲИМ ФАКТЛАР ҲАҚИДА

ХАБАРНОМА

05-хабар

Манзил: *Тошкент шаҳар, Толстой кўчаси, 1-уй.*

Қимматбаҳо қоғозлар тури: *имтиёзли, оддий акциялар.*

Дивиденд тўланиши бўйича қабул қилинган сана: *2005 йил 18 май.*

Дивиденд тўлаш санаси: *2005 йил 30 май.*

Бир дона имтиёзли акцияга тўланадиган маблағ: *бир чоракда тўланадиган маблағ 20 сўм.*

Дивиденд тўланадиган акцияларнинг умумий сони: *1 315 990 дона.*

Бир дона оддий акцияга тўланадиган маблағ: *2 сўм.*

Дивиденд тўланадиган акцияларнинг умумий сони: *33 600 000 дона.*

Дивидендларни тўлаш шакли: *пул маблағлари.*

09-хабар

Умумий йиғилиш тури: *навбатдаги.*

Мажлис ўтказиш шакли: *очиқ.*

Умумий йиғилиш ўтказиш санаси: *2005 йил 18 май.*

Умумий йиғилиш баёни тузилган ва имзоланган санаси: *2005 йил 18 май.*

Умумий йиғилиш ўтказилган манзил: *Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 28-а уйда жойлашган, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги биносининг мажлислар зали.*

Умумий йиғилиш кворуми: *81,28% овоз берилган акциялар сони 28 378 490.*

Овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича берилган овозлар:

1-масала. *АТ «Алоқабанк»нинг 2004 йил иш фаолияти якунлари ва банкнинг 2005 йилга белгиланган устувор вазифалари тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.*

2004 йил учун банк бошқаруви раисининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин. Банкнинг 2004 йил давомида иш фаолияти қониқарли деб топилсин деган қарор қабул қилинди.

Ёқлаганлар: *— 28 378 490,* ***қаршилар*** *— йўқ,* ***бетарафлар*** *— йўқ.*

2-масала. *Бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш.*

Бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин деган қарор қабул қилинди.

Ёқлаганлар: *— 28 378 490,* ***қаршилар*** *— йўқ,* ***бетарафлар*** *— йўқ.*

3-масала. *Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.*

Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин деган қарор қабул қилинди.

Ёқлаганлар: *— 28 378 490,* ***қаршилар*** *— йўқ,* ***бетарафлар*** *— йўқ.*

4-масала. *«HOLIS GURUH» аудиторлик фирмаси ҳисоботини тасдиқлаш.*

«HOLIS GURUH» аудиторлик фирмаси ҳисоботи тасдиқлансин деган қарор қабул қилинди.

Ёқлаганлар: *— 28 378 490,* ***қаршилар*** *— йўқ,* ***бетарафлар*** *— йўқ.*

5-масала. *Банкнинг 2005 йилга мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида.*

Банкнинг 2005 йилга мўлжалланган бизнес-режаси тасдиқлансин деган қарор қабул қилинди.

Ёқлаганлар: *— 28 378 490,* ***қаршилар*** *— йўқ,* ***бетарафлар*** *— йўқ.*

6-масала. *Устав капитали миқдорини ошириш ҳамда банк Уставига ўзгартиришлар киритиб, янги таҳрирда тасдиқлаш тўғрисида.*

Устав капитали миқдори қўшимча равишда 1,5 миллиард сўмга оширилсин деган қарор қабул қилинди.

Ёқлаганлар: *— 27 878 490,* ***қаршилар*** *— 500 000,* ***бетарафлар*** *— йўқ.*

7-масала. *Банк ташқи аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.*

Банкнинг 2005 йилги иш фаолиятини аудит текширувидан ўтказиш учун «HOLIS GURUH» аудит компанияси тасдиқлансин деган қарор қабул қилинди.

Ёқлаганлар: *— 22 861 060,* ***қаршилар*** *— 3 314 830,* ***бетарафлар*** *— 2 202 600.*

8-масала. *АТ «Алоқабанк» Кузатув кенгаши таркиби тўғрисида.*

АТ «Алоқабанк» Кузатув кенгаши олдинги таркибда қолдирилсин деган қарор қабул қилинди.

Ёқлаганлар: *— 28 378 490,* ***қаршилар*** *— йўқ,* ***бетарафлар*** *— йўқ.*

9-масала: *Банк ижро органи раҳбари тўғрисида.*

Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномаси 1 йилга узайтирилсин деган қарор қабул қилинди.

Ёқлаганлар: *— 28 378 490,* ***қаршилар*** *— йўқ,* ***бетарафлар*** *— йўқ.*

«ҚЎЙЛИҚ ДЕҲҚОН БОЗОРИ»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Қўйлиқ деҳқон бозори» ОАЖ 2000-2003 йиллар ва 2004 йил 1-ярим йиллик якуни учун эълон қилинган депонентдаги дивидендларни ҳамда 2004 йил 2-ярим йиллик якуни бўйича эълон қилинган дивидендларни 2005 йил 27-29 май кунлари жамиятнинг 2-блок, 1-қаватда жойлашган ғазнасидан олишларини маълум қилади. (Жамиятнинг барча акциядорлари шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан келиши талаб этилади).

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 195-93-66; 195-94-36; 195-27-93.

«Қўйлиқ деҳқон бозори» ОАЖ маъмурияти.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ҲУРМАТЛИ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ИШБИЛАРМОН ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент вилоят ҳудудий танлов комиссияси ҳамда Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 мартдаги «2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги ПК-29-сонли қарорининг 2-иловасига мувофиқ Давлат мулкини хорижий инвесторларга сотиш бўйича тендер савдолари ўтказувчи Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналари ва паст ликвидли объектларни инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятларини қабул қилиниши шарти билан бепул бериш бўйича танлов эълон қилади.

Танлов ўтказиш куни: 2005 йил 8 июль

Вақти: соат 11.00 да

Ўтказилиш жойи: Тошкент вилоят ҳокимияти

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй.

Танлов савдоларида барча нодавлат ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, маҳаллий ва хорижий ишбилармон тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси норезидентлари қатнашишлари мумкин. Танлов иштирокчиларидан аризалар ва ҳужжатлар тўпламларини қабул қилиш савдо кунидан уч кун аввал тўхтатилади.

Танлов савдосида иштирок этиш шартлари:

Танловда иштирок этишни барча талабгорлардан уч мустақил қисмга эга бўлган алоҳида-алоҳида конвертларга муҳрланган ҳужжатлар тўплами, яъни:

А) ариза ҳужжатлар тўплами;

Б) техник ишлаб чиқариш таклифлари бўйича ҳужжатлар тўплами;

В) молиявий ҳужжатлар тўплами билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тўпламини тақдим этишлари талаб этилади:

1. Талабгорнинг тўлов қобилиятига эга эканлигини тасдиқловчи банк маълумотномаси (ёки банк кафолат хати);
2. Тақдим этилган молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик фирмасининг хулосаси;
3. Таклиф этилган инвестиция ҳажми ва унинг киритилиш муддатлари;
4. Бизнес режа (тасдиқланган намунавий шаклда тайёрланган бўлиши лозим);

Конвертлар муҳрланиб (жисмоний шахслар имзолаб) белгиланган шаклдаги ариза билан Давлат мулки қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармасига топширадилар.

Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат активлари рўйхати:

№ т/р	Корхона ва объект номи	Жойлашган жойи (тум. шаҳ.)	Устав фондидаги давлат активи фоизда		танлов шартлари		
			жами	шу жумладан давлат улуши	Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик)	инвестиционо мажбуриятнинг минимал миқдори ҳажми (млн. сўм)	инвестиционо мажбуриятнинг бажарилиш муддати, йил
1	2	3	4	5	6	7	8
1.	«Бўка туман босмахонаси» МЧЖ	Бўка тумани	100	100	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	70,0	1,2
2.	«Бўстонлиқ туман босмахонаси» МЧЖ	Бўстонлиқ тумани	100	100	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	50,0	1,5
3.	«Юқори Чирчиқ туман босмахонаси» МЧЖ	Юқори Чирчиқ тумани	25	25	Фаолият турини сақлаб қолиш	15,0	1
4.	«Бекобод пилла» МЧЖ	Бекобод тумани	25	25	Фаолият турини сақлаб қолиш	15,0	1
5.	«Мафтуна» АЖ	Оққўрғон тумани	74	22,99	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	600,0	2

Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат корхоналари рўйхати:

№ т/р	Корхона ва объект номи	Жойлашган жойи (тум. шаҳ.)	Танлов шартлари			
			Ишлаб чиқариш бинолари ва ер майдонларини реструктуризация қилиш ёки тўлиқ мулкий мажмуа тарзида бериш тартиблари	Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик)	инвестиционо мажбуриятнинг минимал миқдори ҳажми (млн. сўм)	инвестиционо мажбуриятнинг бажариш муддати, йил
1	2	3	4	5	6	7
1.	«Олмалиқ шаҳар босмахонаси» ДК	Олмалиқ шаҳар	тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	100,0	1,5
2.	«Олмалиқ шаҳар троллейбус бошқармаси» ДК	Олмалиқ шаҳар	тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида	Фаолият турини сақлаб қолиш	100,0	2

Инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул бериладиган давлат объектлари рўйхати:

№ т/р	Корхона ва объект номи	Жойлашган жойи (тум. шаҳ.)	Танлов шартлари			
			Ишлаб чиқариш бинолари ва ер майдонларини реструктуризация қилиш ёки тўлиқ мулкий мажмуа тарзида бериш тартиблари	Фаолият тури (сақлаб қолиш ёки сақлаб қолмаслик)	инвестиционо мажбуриятнинг минимал миқдори ҳажми (млн. сўм)	инвестиционо мажбуриятнинг бажариш муддати, йил
1	2	3	4	5	6	7
1.	«Қорақалпоқ» маданият уйи	Паркент тумани	тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	35,0	1 йил
2.	«Ўзбекрезинатехника» Ажга қарашли маданият уйи	Ангрен шаҳар	тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	70,0	1 йил
3.	«Ўзбекрезинатехника» Ажнинг қурилиши тугалланмаган поликлиника биноси	Ангрен шаҳар	тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	100,0	1 йил
4.	А.Темур кўчаси, 3-уйда жойлашган нотурар жой биноси	Чирчиқ шаҳар	тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	7,0	1 йил
5.	А.Навоий кўчаси, 100а-уйда жойлашган нотурар жой биноси	Чирчиқ шаҳар	тўлиқ, мулкий мажмуа сифатида	Фаолият турини сақлаб қолмаслик	5,5	1 йил

Танлов шартлари ва қўшимча маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй. Давлат мулки қўмитаси Тошкент вилоят бошқармаси

Тел.: 132-06-76, 133-67-22, 133-78-75, 136-06-27.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 136-55-05
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Sohibjon SALIMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 454

9213 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O`zA yakuni - 22.00.
Topshirish vaqti — 23.30
1 2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda